Pearson BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

# Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

## 7-модул: Мехмондўстлик ва атроф-муҳит

## Ўқитувчи Ресурслари

**1-нашр**



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96370 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа


**Кириш** **1**

**7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит** **3**

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 11

Дарс режаси 27

# Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари.

Ушбу ресурс буклетидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар BTEC малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

 © Pearson Education Limited 2020

# 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади меҳмондўстлик соҳасининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган экологик муаммоларни ўрганишдир. Шунингдек, иш олиб боришда замонавий усулларнинг бизнесга таъсирини ва меҳмондўстлик соҳасида барқарорликни сақлашнинг мумкин бўлган йўлларини аниқлаш.

Ушбу модулни ўрганиш ўқувчиларнинг ишни бажаришнинг хавфсиз ва ишончли усулларидан тўғри фойдаланиш, соғлиқни сақлашни таъминлаш ва иш жойларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, шунингдек, меҳмондўстлик соҳасидаги хавфларни баҳолаш бўйича билимларини кенгайтиради.

Фавқулодда вазиятларда хавфсиз ишлаш ва тўғри қарор қабул қилиш учун ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва хавфларни баҳолаш соҳасидаги ўзларининг ролларини тушунишлари муҳимдир.

А ўқитиш мақсадининг эътибори меҳмондўстлик индустриясида дуч келаётган ҳозирги пайтдаги атроф–муҳит барқарорлиги муаммоларига йўналтирилган. Ўқувчилар атроф-муҳит ҳолати тўғрисида маълумот олишади, барқарорлик тушунчаси ва ушбу муаммолар билан боғлиқ таянч атамалар билан танишадилар. Ушбу билимлар меҳмондўстлик индустриясида атроф-муҳит барқарорлигини қандай сақлаш мумкинлигини, шунингдек барқарорликнинг атроф-муҳитга ижобий ва салбий таъсирини аниқлашга ёрдам беради.

В ўқитиш мақсади ўқувчиларни меҳмондўстлик соҳасидаги соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича иш берувчилар ва ишчиларнинг роли ва мажбуриятлари билан таништиради. Ўқувчилар иш жойида фавқулодда вазиятларга дуч келганда, қандай чоралар кўриш кераклигини билиб олишади, шунингдек, потенциал хавфларни аниқлаш ва назорат қилишни ўрганадилар.

С ўқитиш мақсади хавфларни баҳолаш босқичларига қаратилган. Ўқувчилар иш жойида юзага келиши мумкин бўлган иккита ҳар хил хавфни баҳолашни намойиш этадилар.

Ўқувчиларни қуйидагиларга имкони бўлиши керак:

- ўқувчилар билан меҳмондўстлик ташкилотидаги атроф-муҳит муаммолари, бизнесда соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ҳақида суҳбат қура оладиган меҳмон маърузачиларга;
- баҳолаш учун ишчи дафтар;
- интернет.

## Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

| **7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит** |
|---|
| **Кириш**<br><br>Ушбу модул ўқувчиларни меҳмондўстлик индустриясининг атроф-муҳитга таъсири ва унинг атроф-муҳит барқарорлигини сақлашдаги роли билан таништиради. Ўқувчилар меҳмонхона корхоналари фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳозирги пайтдаги атроф-муҳит муаммоларини ўрганишлари жуда муҳимдир.<br><br>Ўқувчилар меҳмондўстлик индустриясида ишлашда қўлланииладиган хавфсиз иш усуллари билан танишадилар. Улар хавфсиз иш шароитларини яратишни ва хавфни баҳолашни ўрганадилар.<br><br>Ишни атроф-муҳит ҳолати тўғрисида гуруҳли муҳокама қилиш ва озиқ-овқат, сув ва электр энергиясини аямасдан ишлатиш каби муаммоларни ўрганишдан бошланг. |
| **А ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида ҳозирги атроф-муҳит ва барқарорлик муаммоларини ўрганиш** |
| • Ўқувчилардан атроф-муҳит ҳақида фикр юритишларини сўранг. Улардан иқлим ўзгариши ҳақида нимани билишларини сўранг, уларда бирон- бир ғоя борми ва уларни қандай амалга оширишмоқчи? Ўқувчиларни жуфтликларга бўлинг ва уларнинг фикрича меҳмондўстлик индустрияси атроф-муҳитни қандай сақлаши мумкинлиги ҳақида сўранг. Ўқувчилар меҳмондўстлик индустрияси томонидан атроф-муҳитни сақлашни ташкил этиш учун ғоялар рўйхатини тузишлари керак, масалан, кам сув ишлатиш ёки электр энергиясидан камроқ фойдаланиш. Ҳар бир жуфтлик ўз фикрларини синфга тақдим этадилар.<br><br>• Тақдимот ўқувчиларга атроф-муҳит ва мехмондўстлик индустриясидаги барқарорликка доир таянч атамаларни яхши тушунишга ёрдам беради, шу билан бирга олти Rs: recycle (қайта ишлаш), rethink (қайта англаш), refuse (рад қилиш), reuse (қайта фойдаланиш), repair (тиклаш) и reduce (қисқартириш). Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлинг ва улардан олти Rs ни қандай қўллаб қувватлашлари мумкинлиги ҳақида ҳаракатлар рўйхатини тузишларини сўранг. Кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда, ўқувчилар меҳмондўстлик индустриясида чиқиндиларни қайта ишлашни рағбатлантириш бўйича плакат тайёрлашлари керак. |

| 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
| --- |
| • Ўқувчилар барқарорликнинг асосий жиҳатлари тўғрисида маълумот олишлари учун тақдимотдан фойдаланинг. Жамият, атроф-муҳит, иқтисодиёт ва углерод изларига бўлган таъсирини умумий маънода чизиб чиққан ҳолда барқарорликка таъриф беринг. Ишлаб чиқилган ишчи варақа меҳмондўстлик индустриясидаги барқарорлик ва у билан боғлиқ муаммолар ҳақида ўқувчиларнинг жавобларини ҳисобга олиш учун фойдали бўлиши мумкин. Бундай ҳисоб сизга тақдимотни кўриб чиқишда ўқувчиларнинг олган билимларини текширишда ёрдам беради.<br><br>• Маҳаллий меҳмонхона ёки фирма ресторанидан чақиртирилган маърузачидан ўқувчилар билан улар дуч келадиган атроф-муҳитнинг хозирги муаммолари ва уларни қандай ҳал қилаётганлари тўғрисида суҳбатлашишларини сўранг. Шундай қилиб ўқувчилар атроф-муҳит ёки барқарорлик ҳақидаги қизиқтираётган саволларига жавоб олиш имкониятига эга бўлишади.<br><br>• Тақдимот ўқувчиларга корхоналар атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қандай ёрдам беришлари мумкинлигини тушунишга ёрдам беради. Тақдимот органик маҳсулотлардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаш, кам заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбалари, энергия тежайдиган ва сувни тежайдиган тизимлар, уларнинг углерод изини камайтириш, пластик ва экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Тўлиқ тушуниш учун меҳмонхона бизнеси ушбу амалиётларнинг ҳар бирини қандай тарғиб қилиши мумкинлиги ҳақида мисоллар келтиринг. Ушбу машқ жараёнида кичик гуруҳларнинг фаолиятини кузатинг, унда ўқувчилар меҳмондўстлик бизнеси корхоналари қандай қилиб атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга ёрдам беришларини аниқлаш учун ахборот бюллетени яратадилар. Ўқувчилар ўзларининг ахборот бюллетенларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этишлари керак.<br><br>• Ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасидаги барқарор ривожланишнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлашга ёрдам беринг ва ўзларининг фикрлари билан бўлишишларини сўранг. Меҳмондўстлик соҳасидаги барқарорликнинг ижобий таъсири ҳақида, шунингдек барқарорликни эътиборга олмасликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги тақдимотдан сўнг ўқувчилар Ўзбекистондаги меҳмондўстлик индустриясининг барқарорлигини ўрганилаётгандаги маълумотларни белгилаб олиш учун ўқитувчи томонидан берилган машқлар рўйхатини амалга оширишлари мумкин. Кейин ўқувчилар ўзларининг натижаларини гуруҳнинг қолган аъзолари билан бўлишишлари мумкин. |

 © Pearson Education Limited 2020

| 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
|---|
| **В ўқитиш мақсади: Хавфсиз ишлаш усулларини ўрганиш** |
| • Ўқувчиларни ўқитиш мақсади билан таништириш учун синфда мунозара ўтказинг, ўқувчилардан меҳмондўстлик соҳасида соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш нега муҳимлигини сўранг. Ўқувчилар эслатмалар олишлари ва уларни синф олдидаги доскага ўрнатишлари керак. Бу соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ўқувчилар фикрларини синфда муҳокама қилишларига олиб келади.<br>• Ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасида соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлашнинг ролини аниқлашга ёрдам беринг. Уларга соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга оид бир нечта видеоларни кўрсатинг. Соғлиқ ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда иш берувчи ва ишчининг мажбуриятлари тўғрисидаги тақдимотдан сўнг, синфдаги муҳокама орқали ўқувчиларнинг билимларини текширинг.<br>• Синфда муҳокама ўтказинг, ўқувчилардан уларнинг фикрича агар меҳмондўстлик соҳасида иш жойида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинмаса, нима содир бўлиши мумкинлиги ҳақида сўранг. Хавфсизлик техникаси ва соғлиқни сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари ҳақидаги тақдимот ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлайди. Ўқувчиларни жуфтликларга бўлган ҳолда иш берувчи ва ишчиларнинг соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари ва уларга риоя қилинмаса юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида плакат тайёрлашларини сўранг. Плакатлар гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этилиши керак.<br>• Меҳмонхона бизнесидан таклиф этилган маърузачидан ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасидаги соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш тўғрисида, шунингдек улар риоя қиладиган қоидалар ва чоралар тўғрисида айтиб беришларини сўранг. Бундай тадбир ўқувчиларга соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлашга оид қизиқтирадиган саволларга жавоб олиш имкониятини беради.<br>• Муҳокама пайтида меҳмондўстлик соҳасида иш жойида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ҳақида сўранг. Бу, масалан, ёнғин ёки бахтсиз ҳодиса, баландликдан йиқилиш, қайноқ суюқликдан куйиш, ўткир нарса билан жароҳатланиш ёки лифтнинг техник носозлиги бўлиши мумкин. Ўқувчилар умумий муҳокама учун ўз фикрларини доскага ёзишлари мумкин. |

| 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
|---|
| • Ўқувчиларни фавқулодда вазиятлар, шу жумладан ёнғинлар ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда амалга ошириладиган чоралар тўғрисида хабардор қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Жуфтликларга бўлинган ҳолда маълум қилинган фавқулодда вазиятлар учун кўриладиган чоралар кўрсатилган ахборот бюллетени яратишлари керак: ёнғин ёки бахтсиз ҳодиса, масалан, йиқилганлик оқибатида оёқ синиши ёки кимдир чаноғда қолдирилган ўткир пичоқда қўлини кесиб олиши. Мисоллар гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этилади.<br>• «Инцидент» ва «бахтсиз ҳодиса» атамаларини аниқлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилардан нима учун инцидент ва бахтсиз ҳодисаларни қайд этиш муҳимлигини сўранг. Ўқувчиларга тўлдирилган китобларнинг намуналари ва ҳодисалар тўғрисидаги ҳисобот бланкаларини кўрсатинг, шунингдек улардаги маълумотлар билан таништиринг. Ўқувчиларга ҳисобот шаклининг тоза нусхалари ва ҳодисалар тўғрисидаги китоб саҳифаларини, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар намуналарини тақдим этинг, масалан, йиқилиш оқибатида қўл синиши. Кейин ўқувчилар намунавий ҳисобот шакли ва барча ҳодисалар қайд этилган китобни тўлдиришлари керак.<br>• Кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида иш жойида юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар ҳақида мисоллар келтириши ва ўз хулосаларини гуруҳнинг бошқа қисми билан бўлишишлари керак. Ҳодисалар сабабларини аниқлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ҳар бир гуруҳ қолган гуруҳларга кўрсатилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида плакат тайёрлаши керак.<br>• Бахтсиз ҳодисаларнинг меҳмонхона бизнесига таъсирини кўрсатиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар меҳмонхона бизнесидаги бахтсиз ҳодисаларнинг турли оқибатлари қайд этиладиган машқлар рўйхатини бажаришлари керак. Иш жойидаги бахтсиз ҳодисаларни назорат қилиш бўйича кўрсатмалар беринг. Ҳодисалар тақдимоти учун видеороликлардан фойдаланинг: ҳаракат пайтида, тушиш, баландликдан йиқилиш, хавфсиз кўтарилиш пайтида, шунингдек меҳмондўстлик соҳасидаги иш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш.<br>• Ёнғин ҳосил бўлиш сабаблари, ёнғинни ўчириш бўйича олиб бориладиган тадбирлар ва ёнғинга қарши ишларни бажариш устидан назоратларни кўрсатиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар ёнғин сабаблари, уни ўчириш ва назорат қилишга оид машқлар рўйхатини бажаришлари мумкин. Қандай қилиб хавфсиз тарзда кўтарилишни кўрсатинг, зарарли моддалар билан ишлаш бўйича кўрсатмалар беринг. Кейин ўқувчилар ўтилган мавзу бўйича машқлар бажаришлари керак. |

 © Pearson Education Limited 2020

| 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
|---|
| **С ўқитиш мақсади: Хавфсиз иш тартибини намойиш қилиш** |
| • Хатар ва хавф атамаларини ҳамда хавфларни баҳолаш жараёнини таърифлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Жуфтликларда талабалар меҳмондўстлик соҳасида хавфни аниқлаш бўйича машқларни бажаришлари керак. Бахтсиз ҳодисаларнинг сонини камайтириш учун хавфни баҳолашни қўллаш ҳақида муҳокама ўтказинг. Ўқувчиларга хавфни баҳолаш шаклини қандай тўлдиришни кўрсатиб беринг. Кейин ўқувчилар хавфни баҳолаш шаклини тўлдиришни машқ қилишлари керак.<br>• Ўқувчилар барча муҳим ҳужжатларни тўлдириб, иккита ҳар хил хавфни баҳолашни бажаришлари керак. |

## BTEC нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

- 2-модул: Мехмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш;
- 5-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари;
- 6-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги тадбирлар;
- 8-модул: Мехмондўстлик соҳасида масалликни топиш ва сақлаш, таом тайёрлаш, пишириш ва тақдим этиш;
- 10-модул: Мехмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар;
- 11-модул: Иш тажрибаси.

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгар эмас. Ўқитувчилар учун ҳар қандай веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзилини аниқ, тўғри ва ўринли эканлигига ишонч хосил қилиш учун олдиндан кўриб чиқиш муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга коллежнинг интернет мактаблари орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.*

# Иш схемаси

| | |
|---|---|
| **Модул** | 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
| **Ўқув соатлари** | 30 |
| **Дарслар сони** | 20 |
| **Дарс давомийлиги** | 1.5 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | • 2-модул: Мехмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш;<br>• 5-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари;<br>• 6-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги тадбирлар;<br>• 8-модул: Мехмондўстлик соҳасида масалликни топиш ва сақлаш, таом тайёрлаш, пишириш ва тақдим этиш;<br>• 10-модул: Мехмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар;<br>• 11-модул: Иш тажрибаси |

| Ўқитиш учун калитлар | | | |
|---|---|---|---|
| **ЁМТ** | Ёзма мустақил топшириқ | **ММ** | Материални мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқтиш | **ИТ** | Иш тажрибаси |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | А И Меҳмондўстлик индустриясида ҳозирги атроф-муҳит ва барқарорлик муаммоларини ўрганиш<br><br>А1 Меҳмондўстлик ва атроф-муҳитдаги таянч атамалар | | • **Кириш:** Модулга кириш – тақдимотдан фойдаланиб ўқувчиларга атроф-муҳит ва меҳмондўстлик соҳасининг атроф-муҳитга таъсири ҳақида маълумот беринг. Ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш ҳақида маълумот олишади.<br>• **Синфдаги муҳокама:** меҳмондўстлик ва атроф-муҳит соҳаси. Ўқувчилардан иқлим ўзгариши ҳақида нима билишларини сўранг. Ўқувчиларга саволлар беринг.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** меҳмондўстлик атроф-муҳитни қандай сақлаши мумкинлигини аниқлаш устида ишлаш. Ўқувчилар меҳмондўстлик индустрияси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиши тўғрисида ғоялар рўйхатини тузишади.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан ушбу саволга жавоб беришларини сўранг: «Меҳмондўстлик индустрияси қандай қилиб атроф-муҳитни сақлаши мумкин?».<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар**: жуфтликларга бўлинган ҳолда ўқувчилар ушбу мавзу бўйича плакат тайёрлайдилар: «Меҳмондўстлик атроф-муҳитга қандай қилиб ёрдам бериши мумкин ?».<br>• **Якун:** билимларни текшириш бўйича сўров ўтказиш. Ўқувчилар гуруҳнинг қолган иштирокчиларига ўз плакатларини тақдим этадилар | • Модул спецификацияси<br>• Баҳо учун иш дафтари<br>• Ақлли доска (smartboard)<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка<br>• Ўқитувчи тақдимоти |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 2 | A1 Меҳмондўстлик ва атроф-муҳитдаги таянч атамалар | | • **Кириш:** ўқитувчи ўқувчиларнинг мехмондўстлик индустрияси томонидан атроф-муҳитни сақлаши тўғрисидаги билимларини умумлаштиради.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** ўқувчилар билиши керак бўлган атроф-муҳитга оид таянч атамалар тақдимоти. «Атроф муҳит» ва олти Rs таърифи – recycle (қайта ишлаш), rethink (қайта англаш), reduce (рад қилиш), reuse (қайта фойдаланиш), repair (тиклаш) и reduce(қисқартириш).<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ушбу таърифлар тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш учун машқлар рўйхатини бажарадилар.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида олти Rs ни қўллаб қувватлаш усуллари ҳақида шахсий рўйхатни тузиадилар.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида қайта ишлашни қандай рағбатлантириш тўғрисида плакат тайёрлайдилар.<br>• **Якун:** ўқувчилар ўзларининг қайта ишлаш ҳақида плакатлардаги ғоялар ҳақида гапириб беришади. Билимларни текшириш бўйича сўров ўтказиш. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка<br>• Машқлар рўйхати |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **3** | A1 Меҳмондўстлик ва атроф-муҳитдаги таянч атамалар | | • **Кириш:** қисқа такрорлаш, атроф-муҳит ва олти Rs ҳақида ўқувчиларнинг билимларини сўроқ қилиш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** ўқитувчининг ўқувчилар билиши керак бўлган барқарорлик билан боғлиқ бўлган таянч атамалар ҳақида тақдимоти.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган машқлар рўйхати асосида ўқувчилар меҳмондўстлик индустриясидаги барқарорликка тегишли ўзларининг шахсий таянч атамаларини ўйлаб топадилар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар иш варақасидаги маълумотларни синф билан бўлишадилар.<br>• **Якун:** билимларни текшириш бўйича сўров ўтказиш. Ўқитувчи дарсда кўриб чиқилган ўқишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлаши керак**.** | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Машқлар рўйхати<br>• Ўқитувчи тақдимоти |
| **4** | A2 Экологик хавфсиз муҳитни сақлаш | ТЭС | • **Кириш:** ўқитувчи барқарорлик мавзусидаги материалларни умумлаштиради<br>• **Таклиф этилган спикер:** ҳозирги атроф-муҳит муаммоларини муҳокама қилиш учун меҳмонхона бизнеси ходимини меҳмонхонадан ёки ресторандан таклиф қилиш. Спикерлар муаммоларни аниқлаш барқарор усулларни жорий қилишга қандай ҳисса қўшиши ҳақида маълумот беришади. | • Таклиф этилган спикер |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якун:** Таклиф этилган спикерга савол-жавоблар сессияси. | |
| **5** | А2 Экологик хавфсиз муҳитни сақлаш | | • **Кириш:** спикердан олинган билимларни текшириш учун савол-жавоблар сессияси.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** меҳмонхона бизнеси атроф-муҳитни сақлашга қандай ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида тақдимот.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар меҳмонхона бизнеси корхоналари атроф-муҳитнинг барқарорлигини сақлашга қандай ёрдам беришлари мумкинлигини аниқлаш учун ахборот бюллетени яратадилар.<br>• **Якун:** ўқувчилар ахборот бюллетенини гуруҳнинг қолган аъзоларига тақдим этишади. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка |
| **6** | А3 Экологик барқарорликка таъсири | | • **Кириш:** ўқитувчи ўқувчиларнинг атроф-муҳит барқарорлиги тўғрисидаги билимларини қисқача хулоса қилади.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар меҳмонхона бизнесидаги барқарорликнинг атроф-муҳитга таъсири ҳақида ўзларининг фикрлар рўйхатини тузадилар. Ўқувчилардан синф ҳақида фикр-мулоҳаза қилишларини сўранг. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка<br>• Машқлар рўйхати |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи тақдимоти:** меҳмонхона бизнесининг атроф – муҳитга – ҳам ижобий ҳам салбий – таъсири ва барқарорликни эътиборга олмаслик туфайли меҳмонхона бизнесига салбий таъсири.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар «Меҳмондўстлик соҳасидаги барқарорликнинг атроф-муҳитга таъсири» мавзуси бўйича машқлар рўйхати устида ишлайдилар<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** машқлар рўйхатидаги саволларга ўқувчиларнинг жавобларини текширинг ва уларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг.<br>• **Якун:** ўқувчилар гуруҳнинг қолган аъзолари билан Ўзбекистондаги меҳмондўстлик индустриясининг барқарорлиги ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар ва сўнгра ўрганишни текшириш учун савол-жавоблар сессиясини ўтказадилар. | |
| **7** | Баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** ўқувчиларнинг меҳмондўстлик соҳасидаги муҳит барқарорлигини сақлаш усуллари тўғрисидаги билимларини умумлаштириш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** баҳолаш учун иш дафтарларини тарқатинг ва 1-вазифани бажариш бўйича кўрсатмалар беринг. | • Баҳо учун иш дафтари – А ўқиш мақсади, 1-вазифа |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** баҳолаш учун иш дафтаридаги 1-вазифа учун маълумотларга бўлган талабларни текширинг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** баҳолаш иши.<br>• **Якун:** ўқувчилар баҳолаш учун ишларини топширадилар. | |
| **8** | В Хавфсиз иш усулларини ўрганиш<br>В1 Вазифалар ва мажбуриятлар<br>Соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш бўйича иш берувчилар ва ишчиларнинг мажбуриятлари | | • **Кириш:** ўқитувчи мавзу билан таништиради, В ўқиш мақсади билан таништиради: «Хавфсиз ишнинг аҳамияти ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлайдиган ходимларнинг турли хил вазифалари ва мажбуриятлари».<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилардан сўранг: «Нима учун улар соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бунчалар муҳим деб ўйлашади?».<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчиларнинг жавобларини муҳокама қилинг ва уларнинг билимларини текширинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** меҳмондўстлик соҳасидаги иш жойида соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги видеороликни кўрсатинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ҳар бир видеодан кейин ўқувчилардан кўрсатилган видеоларда нима тўғри/нотўғри бўлганлигини сўранг.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича иш берувчининг ва ишчининг мажбуриятлари. | • Модул спецификацияси<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Қайдлар<br>• Соғлом ва хавфсиз видеоматериаллар<br>• Машқлар рўйхати |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** Соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иш берувчи ва ишчининг мажбуриятларини аниқлаш учун ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган машқлар рўйхати.<br>• **Якун:** ўқувчиларнинг билимларини текшириш учун савол-жавоблар сессияси. | |
| **9** | B1 Вазифалар ва мажбуриятлар<br><br>Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаслик | | • **Кириш:** ўқитувчи ўқувчиларнинг соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик борасидаги иш берувчи ва ишчининг мажбуриятлари тўғрисидаги билимларини умумлаштиради.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан меҳмонхона бизнеси хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилмаса нима бўлиши мумкинлиги ҳақида фикрлар беришларини сўранг.<br>• **Савол-жавоблар сессияси:** ўқувчилар хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари билан таниш эканликларига ишонч ҳосил қилинг. | • Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги иш берувчи ва ишчининг мажбуриятлари, шунингдек хавфсизлик техникасининг тегишли қоидаларига риоя қилмаслик оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаши лозим бўлган плакат тайёрлайдилар.<br>• **Якун:** ўқувчилар ўзларининг плакатларини бошқа гуруҳларга намойиш этишади. Кейин ўрганишни текшириш учун савол-жавоблар сессияси ўтказилади. | |
| **10** | B1 Вазифалар ва мажбуриятлар | ТЭС | • **Кириш:** ўқитувчи ўқувчиларнинг соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги иш берувчи ва ишчининг мажбуриятлари тўғрисидаги билимларини умумлаштиради.<br>• **Таклиф этилган спикер:** соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ҳақида суҳбатлашиш учун меҳмондўстлик соҳасидаги ходимни меҳмонхонадан ёки ресторандан таклиф қилиш.<br>• **Якун:** таклиф этилган маърузачи билан савол-жавоблар сессияси – ўқувчилар учун меҳмондўстлик соҳасида соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконияти. | • Таклиф этилган спикер |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 11 | B1 Вазифалар ва мажбуриятлар<br><br>Фавқулодда вазият ҳодисалари учун тадбирлар | | • **Кириш:** ўтган мавзуни такрорлаш ва мустаҳкамлаш: «Соғлиқни сақлаш ва иш жойидаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги иш берувчи ва ишчиларнинг мажбуриятлари».<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан меҳмондўстлик соҳасидаги иш жойида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар турлари тўғрисида маълумот беришларини сўранг. Ўқувчиларнинг жавобларини муҳокама қилинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш чоралари.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар бахтсиз ҳодиса юз берганда кўриладиган чоралар тўғрисида ахборот бюллетени яратадилар.<br>• **Якун:** ўқувчилар маълумот варақаларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этишлари керак, сўнгра билимларни текшириш учун савол-жавоблар сессияси ўтказилади. | • Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка<br>• Қайдлар<br>• Ўқитувчи тақдимоти |
| 12 | B1 Вазифалар ва мажбуриятлар<br><br>Хавфларни қайд этиш | | • **Кириш:** Иш жойидаги бахтсиз ҳодисалар пайтида чоралар кўриш бўйича ўтган мавзуни такрорлаш.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** «инцидент» ва «бахтсиз ҳодиса» таърифи.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан нима учун инцидент ва бахтсиз ҳодисаларни қайд этиш муҳимлигини сўранг. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида тўлдирилган ҳисобот шакллари ва китоблар намуналари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** ўқувчиларга бахтсиз ҳодисалар ҳақидаги тўлдирилган китоблар намуналарини ва улар бўйича ҳисобот шаклини кўрсатинг, шунингдек ушбу ҳужжатлардаги маълумотлар билан таништиринг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар берилган бахтсиз ҳодисалар мисолларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот шакли ва бахтсиз ҳодисалар рўйхати китобининг намунасини тўлдирадилар.<br>• **Якун:** ўқувчиларнинг тушунчасини текшириш учун савол-жавоблар сессияси. | • Ҳисобот шаблонлари ва бахтсиз ҳодисалар рўйхати китоби<br>• Бахтсиз ҳодисалар |
| **13** | B2 Меҳмонхона муҳитида мумкин бўлган хавфлар<br><br>Хавфлар ва уларнинг сабаблари | | • **Кириш:** инцидент ва бахтсиз ҳодисалар қайдлари ҳақида қисқача маълумот.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасидаги иш жойида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар мисолларини келтирадилар ва ўз хулосаларини бошқа гуруҳлар билан бўлишадилар.<br>• **Савол-жавоблар сессияси:** ўқувчилар бўлиши мумкин бўлган хавфларни аниқлай олишларига ишонч ҳосил қилинг.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** хавфнинг сабабларини аниқлаш бўйича. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар хавфлар сабаблари тўғрисида плакат тайёрлайдилар.<br>• **Якун:** ўқувчилар ўзларининг плакатларини синфга намойиш этишади, кейин билимларни текшириш учун савол-жавоблар сессияси ўтказилади. | |
| **14** | B3 Хавфни бошқариш<br><br>Бизнес учун хавфли вазиятлар оқибатлари | | • **Кириш:** хавфларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш бўйича дарсни якунлаш.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** меҳмонхона бизнеси учун хавфларнинг мумкин бўлган оқибатларини қайд этиш.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар меҳмонхона бизнеси учун хавфларнинг турли хил оқибатлари қайд этиладиган машқлар рўйхатини бажарадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ушбу мавзу бўйича: «Иш жойидаги хавфни қандай бошқариш керак?».<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** хавфсиз усуллар ҳақида видеоматериаллар: ҳаракатланиш, пастга тушиш ва кўтарилиш; ёнғиннинг олдини олиш ва уни ўчириш.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар ўзлари кўрган видеоматериал ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар, кейин муҳокама ўтказинг.<br>• **Якун:** билимларни текшириш учун сўров ўтказиш | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Машқлар рўйхати<br>• Хавфсиз усуллар тўғрисида видеоматериаллар: ҳаракат, пастга тушиш ва кўтарилиш, ёнғиннинг олдини олиш ва ўчириш. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 15 & 16 | B3 Хавфни бошқариш<br><br>Иш жойидаги хавфларни бошқариш усуллари | | • **Кириш:** хавфларнинг меҳмонхона бизнесига таъсири ҳақидаги дарсни умумлаштириш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** ёнғин ҳосил бўлиш сабаблари, ёнғин хавфсизлиги чоралари ва ёнғинларни ўчириш ҳақида.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ёнғин сабабларини аниқлаш, уларни ўчириш ва ёнғин хавфсизлиги чоралари бўйича машқлар рўйхатини бажарадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** қандай қилиб хавфсиз тарзда кўтарилиш ҳақида.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қандай қилиб хавфсиз тарзда кўтарилиш ҳақида машқлар рўйхатини бажарадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** хавфли моддаларга қандай муносабатда бўлиш тўғрисида.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар хавфли моддаларга қандай муносабатда бўлиш тўғрисида бир қатор машқларни бажарадилар.<br>• **Якун:** ўқувчиларнинг тушунчасини текшириш учун савол-жавоблар сессияси. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Машқлар рўйхати |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 17 | Баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** Б ўқиш мақсади ҳақида қисқача маълумот бериш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** ўқувчиларга баҳо дафтарларини тарқатинг ва 2-вазифа учун далилларга бўлган талабларни муҳокама қилинг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар баҳо учун иш дафтарида 2-вазифани бажаришлари керак.<br>• **Якун:** ўқувчилар ишни баҳолаш учун топширадилар. | • Баҳо учун иш дафтари- B ўқиш мақсади, 2-вазифа |
| 18 | C Хавфсиз иш тартибини намойиш килиш<br>C1 Хатарларни баҳолашнинг аҳамияти<br>Хавфларни баҳолаш | | • **Кириш:** ўқитувчи мавзу билан таништиради, бўлимнинг ушбу қисми ўқувчиларни иш жойида хавфни баҳолашдан фойдаланиш усуллари билан таништиради.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** «хавф» ва «хатар» тушунчаларининг таърифи; хавфларни баҳолаш пайтида зарурий ҳаракатларнинг умумий жиҳатларини чизиб чиқиш.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида хавфларни аниқлаш бўйича машқларни бажарадилар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** бахтсиз ҳодисаларнинг сонини камайтириш учун баҳолашдан фойдаланиш ҳақида ва хавфларни баҳолаш шаклини тўлдириш ҳақида.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар хавфларни баҳолаш шаклини тўлдиришни машқ қиладилар. | • Ўқитувчи тақдимоти<br>• Хавфларни аниқлаш бўйича машқлар рўйхати<br>• Хавфларни баҳолаш шакллари – тўлдирилган шакллар бланкалари ва намуналари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якун:** билимларни текшириш учун савол-жавоблар сессияси ва ўқувчиларнинг хавфларни баҳолаш шаклини тўлдириш қобилияти. | |
| **19 & 20** | С2 Хатарларни баҳолашни ўтказиш<br>Баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** С ўқиш мақсади ҳақида қисқача маълумот бериш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** баҳо учун ишчи дафтарларини тарқатинг ва 3-вазифани бажариш учун талаблар ва шартларни муҳокама қилинг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар баҳо учун ишчи дафтарда 3-вазифани бажаришлари керак.<br>• **Якун:** ўқувчилар ишни баҳолаш учун топширадилар. | • Баҳо учун иш дафтари- С ўқиш мақсади, 3-вазифа<br>• Хавфни баҳолаш учун бланкалар |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар |
| **Модул** | 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
| **Дарс рақами** | 1 |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Модул таркибини ўрганиш.<br>• Ўқувчиларни баҳолаш мезонлари билан таништириш.<br>• Ўқувчиларнинг иқлим ўзгариши ҳақидаги билимларини аниқлаш.<br>• Меҳмондўстлик соҳасида атроф-муҳитни сақлаш тўғрисида ўқувчиларга билдириш. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул спецификацияси.<br>• Баҳо учун иш дафтари.<br>• **ТС**: Баҳолашнинг асосий мавзулари ва усуллари бўйича ўқитувчи тақдимоти.<br>• Ақлли доска.<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка. |
| Калитлар: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқув қайдлар |
|---|---|
| Бошланғич машқ<br><br>(20 дақиқа) | • **Кириш:** тақдимотдан фойдаланиб ўқувчиларни ушбу модулнинг таркиби билан таништиринг. Асосий мавзулар ҳақида қисқача маълумот беринг ва баҳо учун иш дафтаридан фойдаланган ҳолда баҳолаш мезонлари билан таништириб чиқинг. |
| Асосий машқлар<br><br>(50 дақиқа) | • **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан иқлим ўзгариши ҳақида нимани билишларини сўранг. Ўқувчиларнинг жавобларини эшитинг.<br><br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилардан уларнинг фикрича меҳмондўстлик индустрияси атроф-муҳитни сақлашга қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида ғоялар рўйхати тузишни сўранг, масалан, сувни ёки электр энергияни тежаш.<br><br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан ушбу саволга жавоб беришларини сўранг: «Меҳмондўстлик индустрияси қандай қилиб атроф-муҳитни сақлаб қолиши мумкин?».<br><br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчиларни жуфтликларга бўлган ҳолда «Меҳмондўстлик қандай қилиб атроф-муҳитни сақлаб қолиши мумкин?» деган мавзу бўйича плакат тайёрлашларини ва уни синфга тақдим этишларини сўранг. |
| Якуний машқ<br><br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия**: билимларни текшириш учун сўров ўтказинг. Дарсда кўриб ўтилган ўқишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.<br><br>• **Синфдаги муҳокама:** Ўқитувчи ва ўқувчилар ўқувчилар томонидан ишлаб чиқилган плакатларга шарҳ беришлари керак. |



 © Pearson Education Limited 2020

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар |
| **Модул** | 7-модул: Меҳмондўстлик ва атроф-муҳит |
| **Дарс рақами** | 2 |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Ўқувчиларни меҳмондўстлик соҳаси ва атроф-муҳит билан боғлиқ баъзи таянч атамалар билан таништириш.<br>• Ўқувчиларни олти Rs нинг таърифи билан таништириш: recycle (қайта ишлаш), rethink (қайта англаш), refuse (рад қилиш), reuse (қайта ишлатиш), repair (тиклаш), reduce (қисқартириш). |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • **ТС**: Тақдимот.<br>• **МР**: Машқлар рўйхати.<br>• Доска ва флипчарт, қоғоз ва ручка. |
| Калитлар: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

| **Машқлар** | **Ўқув қайдлар** |
|---|---|
| Бошланғич машқ<br><br>(10 дақиқа) | • **Кириш**: Ўқувчиларнинг меҳмондўстлик индустрияси томонидан атроф-муҳитнинг сақланиши имконияти ҳақидаги билимларини такрорланг ва мустаҳкамланг. |
